

кийимлари ечилгач, ўрнига хурсандчиликни, тинчлик ва хотиржамликни ифода этадиган кизил ёки оқ рангдаги либослар кийилади ҳамда шу рангдаги рўмоллар ўралади. Шу боисдан бу ритуал рамзий хатти-ҳаракатлар халқ орасида “Қизил кийди” ёки “Оқ кийди” (“Оқ солар”) деб номланади. Умуман айтганда, туғилиш, никоҳ, аза маросимларидаги оқликларнинг барчаси ўлим ёки ҳаёт эканлик рамзини ифода этади. Чунки бу маросимлар воситасида инсоннинг бир сифатдан иккинчи бир сифатга ўтиши ритуал қайд қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, ранг билан боғлиқ рамзлар семиотикаси ва символикаси яхлит бир тизимни ташкил қилади. Бинобарин, туркий халқлар фольклорида рангларнинг тимсолий моҳиятини, келиб чиқиш асосларини, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини, поэтик маъноларини, рамзийлик табиатини, ғоявий-бадий хусусиятини ва халқ ҳаётида тутган ўрнини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алавия М. Ўзбек халқ кўшиқлари, Т., Фан, 1959, 315-б
2. Ганж Р. Турк инончлари ва миллий урф-одатларида ранглар. – Анқара, 1997. – Б. 320
3. Мирзаев Т., Сафаров О., Ўраева Д. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. Ўқув кўлланма. –Т.: “Алоқачи”, 2008.
4. Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи М. Жўраев. Т.: Ғ. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. –Б. 160.
5. Оқ олма, кизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. Кўп томлик. Тўпловчи М. Алавия. Т.: Ғ. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Б. 232
6. Ролан Барт. Избранные работы. - Москва.: Мысл. 1989.
7. Саидов М. Озарбайжон мифик тафаккурининг қайноқлари. – Баку: Ёзувчи, 1983. –Б.
8. Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Т.: Мусиқа. 2010
9. Тайлор Э. Б. Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1990. – С. 157-158.
10. Кошғарий М. Девону луғотит турк. 3 жилдли. 1-жилд / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. – Т.: Ўз ФА нашриёти, 1960. – Б. 318
11. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2004.
12. Ўраева Д. Бўзлардан учган ғазал-ай. Ўзбек халқ йиғилари ва йўқловлари / Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар О. Сафаров, Д. Ўраева. Бухоро, 2004.– Б. 22.

АРХАИЗМ ВА ТАРЖИМА

Тўхсанов Қ. Р.

Филология фанлари номзоди, доцент, Мактабгача ва бошланғич таълим факультети декани, Бухоро давлат университети

Аннотация. Мақолада архаик сўзлари асл маъносини сақлаган ҳолда табиийикни таъминлаш масалалари тўғрисида фикр юритилган. Мавлоно Жалололдин Румий “Маснавий маънавий” манзумасини XIII асрда яратган. Ўша давр форс-тожик тили сўз бойлиги лексик, фонетик, морфологик ва фразеологик жиҳатдан ҳозирги давр тилидан анча фарқ қилади. Буюк мутасаввуф шоир ўлкамизда тарқалган турли тариқатлардан, кароматлар кўрсатиб, халқ меҳрини қозонган шайхлар ҳаётдан хабардор бўлиш билан бирга, ўз тилининг чуқур билимдони бўлган. Асардаги Диоген билан боғлиқ ривоят фикримизни тўлиқ тасдиқлайди. Муаллиф манзумани яратиш жараёнида форс-тожик тилининг гўзаллигидан фойдаланибгина

колмай, бошқа тилларнинг сўз бойлигини ҳам ўринли ишлата олган.

Калим сўзлар: Маснавий-маънавий, архаизм, таржима, манзума, аслият.

АРХАИЗМ И ПЕРЕВОД

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы обеспечения естественности при сохранении первоначального значения архаичных слов. Мауляна Джалалиддин Руми написал поэму «Маснавий манавий» в XIII веке. Лексика персидско-таджикского языка того периода лексически, фонетически, морфологически и фразеологически очень сильно отличается от языка нынешнего периода. Великий поэт-мистик был хорошо знаком с жизнью шейхов, завоевавших любовь народа, показывая различные секты и пророчества, распространенные в нашей стране, а также имел глубокое знание своего языка. Рассказ Диогена в произведении полностью подтверждает наше мнение. В процессе создания стихотворения автор не только использовал красоту персидско-таджикского языка, но и использовал лексику других языков.

Ключевые слова: маснави, духовность, архаизм, перевод, манзума, оригинальность.

ARCHAISM AND TRANSLATION

Annotation. The article deals with the issues of ensuring natural features while maintaining the original meaning of archaic words. Mawlana Jalaliddin Rumi wrote the poem «Masnaviy manaviy» in the XIII century. The vocabulary of the Persian-Tajik language of that period lexically, phonetically, morphologically and phraseologically differs very much from the language of the present period. The great mystic poet was well acquainted with the life of the sheikhs, who won the love of the people, showing various sects and prophecies widespread in our country, and also had a deep knowledge of his language. Diogenes's story in the work fully confirms our opinion. In the process of creating the poem, the author not only used the beauty of the Persian-Tajik language, but also used the vocabulary of other languages.

Key words: Masnavi, spirituality, archaism, translation, manzuma, originality.

Мавлоно Жалололиддин Румий яшаган давр билан ҳозирги давр оралиғини 800 йил ташкил этади. “Маснавийи маънавий” манзумаси яратилган замонда форс-тожик тилининг луғат бойлиги, фонетик ва грамматик жиҳати ўзига хос бўлган. Буюк адиб ўзидан олдин яшаган шоирлар ижодини чуқур ўрганган ва маънавий меросидан хабардор бўлган. Жалололиддин Румий форс-тожик тилини мукамал билишдан ташқари, илоҳий китоб, ҳадиси шариф, араб тили, юнон тили, турк тилини кунт билан ўзлаштирган. Пайғамбарлар ҳаёти, шайху сўфийлар ҳолидан яхши хабардор бўлган, халқона урф-одат ва ўйинлар, халқона ривоятларни ёддан билган. Адиб “Маснавий”да ўз кузатишлари, мақсад ва муддаоларини ўқувчига етказиш учун ривоятлар, ҳикоялар, қиссалардан унумли фойдаланган ҳамда юксак шеърини санъатлар орқали бадиий тасвирлашга муваффақ бўлган. Ўрни билан қадимги форс, турк, араб ва юнон афсоналарини ҳам келтириб ўтади. Шу боис асарда архаиксўзлар ниҳоятда кўп учрайди. Мазкур мақолада биз асарнинг аслияти билан ўзбекча таржимасини қиёсий таҳлил қилиш жараёнида мавзумизга дахлдор масалани ўрганиб ўз мулоҳазамишни баён этишга ҳаракат қилдик.

“Архаизм” сўзи юнонча сўз бўлиб, “қадимги”, “кўҳна”, “тарихий” деган маънони билдиради. Эскириб, истеъмолдан чиқиб қолган сўз ёки иборалар архаизм дейилади. Тилшуносликда лексик, фонетик, морфологик, фразеологик ва семантик архаизмлар учрайди. Архаизм адабиётда кўпроқ ўтмиш манзарасини акс эттириш, давр руҳини беришда услубий восита сифатида қўлланилади. Моҳир таржимашунос Эргаш Очиловнинг таъкидлашича,

таржи-мада архаизмлардан икки мақсадда фойдаланилади: 1) мумтоз асарларни таржима қилишда; 2) тарихий мавзудаги асарларни таржима қилишда.

“Мумтоз асарларни таржима жараёнида замонавийлаштириб юбо-риш, асар қимматининг йўқолиб кетишига олиб келади. Уларнинг ўтмиш оби-даси эканлигини англайти туриши учун нимадир керак. Ўша нарса қадимий сўз ва иборалар бўлиб, таржимада улардан меъёрида фойдаланиш талаб эти-лади. Айни пайтда, муаллиф ва қаҳрамон нутқида ўша замонга мос келмай-диган сўзларни ишлатишдан эҳтиёт бўлиш лозим. Нафақат замонавий, балки ҳатто кейинги даврда пайдо бўлган сўз ва тушунчаларни қўллаш ҳам тарихий ҳақиқатнинг бузилишига сабаб бўлади ”

Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавий маънавий” манзумасини XIII асрда яратган. Ўша давр форс-тожик тили сўз бойлиги лексик, фонетик, мор-фо-логик ва фразеологик жиҳатдан ҳозирги давр тилидан анча фарқ қилади. Шунингдек, адибнинг асарда Куръони карим, ҳадиси шариф, халқона ривоят-лардан, ўзидан олдин яшаган бир қатор ижодкорларнинг асарларидан моҳи-рона фойдаланганлиги ҳам асар тилининг ўзига хослигини кучайтиради. Буюк мутасаввуф шоир ўлкамизда тарқалган турли тариқатлардан, кароматлар кўрсатиб, халқ меҳрини қозонган шайхлар ҳаётидан хабардор бўлиш билан бирга, ўз тилининг чуқур билимдони бўлган. Бундан ташқари, қадимий юнон тилини яхши билган. Асардаги Диоген билан боғлиқ ривоят фикримизни тў-лиқ тасдиқлайди. Муаллиф манзумани яратиш жараёнида форс-тожик тили-нинг гўзаллигидан фойдаланибгина қолмай, бошқа тилларнинг сўз бойлигини ҳам ўринли ишлата олган. Адабиётшунос Расул Ҳодизода шундай ёзади: “... Дар ин роҳ вай аз ривояти китобҳои мўътабар ва махсусан, аз ҳикоят, латифа, афсонаҳое, ки дар байни халқҳои Шарқи Миёнаву Наздик (тожикон, эронийён, ўзбекҳо, туркҳо ва ғайра) паҳн шуда буд, хеле бисёри истифода мебарад”. Таржимаси: «Шу тарзда у ҳақиқий китоблардан, айниқса, Ўрта Шарқ халқлари (тожиклар, эронликлар, ўзбеклар, турклар ва бошқалар) орасида тарқалган ҳикоялар, латифалар ва афсоналардан кенг фойдаланади «. Тадқиқот жараёнида мавзумизга дахлдор масалани қиёсий ўрганиш мақса-дида, учинчи дафтар, яъни учинчи китобни назардан ўтказар эканмиз, анча-гина архаик сўзларга дуч келдик, улар куйидагилардир: Биҳил – кечириниш; мезаҳад – таваллуд топиш; фатил – ип, чироғнинг ипи; сақф – уйнинг шифти, осмондан киноя; матбаҳ – ошхона, дунё, қисмат; амроз – мараз, касал, турли касаликлар; аносир – унсур, тўртунсур, сув, олов, тупроқ, ҳаво; мунбасит – ёйилиш, хурсанд, шод бўлиш; мултақит – териб олувчи, ҳаз(қи) – баҳра, насиба, лаззат; ижлол – буюклик, эҳтиром қилиш; дағов – макр, ҳийла, фирибгар, маккор; зафт – семиз, катта жуссали, қўпол; аккол – ейдиган, кўп ейдиган; заҳад – сувнинг қайнаб ташқарига чиқиши, туғиш, нутфа, тифл, бола; муқбил – иқболли киши, бахтли инсон; мунташир – ёйилиш; мустамир – домий, устувор, муқаррар; мунқатеъ – кесилган, узилган, айрилиб қолган, одамлардан узоқлашиш; мухаллад – домий, абадий, боқий, ҳамиша; мужтамеъ – йиғиштирилган, устига – устак тўпланиш; ахтор-хатар, хавф, бим, қўрқиш, қадр, қимат; ҳабл – ип, банд; сақим – бемор, касал, мараз, ожиз, нотўғри, хато; падфўз-пад – мевасиз дарахт, кўк дарахт; фўз – фавз хайвонларни бурни; рағиф – ноннинг бир бўлаги, айлана нон; мавқуф – кейинга ўтказиш, бошқа вақтга ўтказиш, ушлаб туриш, маҳбус; фатом – ёш, гўзал, барно; уқул – ақл, ейиш, таомлар; автон – ватан; ур – кийимсиз, кийимсиз одам, камбағал; газанда – зарар, зиён; ҳазин – ғамгин, андўх; мустағос – бировни ёрдамга чақирилдиган, додлаш, ёрдам сўраб чақириниш; роғиб – рағбатлантириш, мойил, толиб; қаловуз – туркча раҳбар, лашкардан олдин борадиган; сафир – хуштак чалиш, қушларнинг овози, чаҳ-чаҳ қилиши, ғичирлаб овоз чиқариш; макман – ёширадиган, пинҳон бўлиш; ханин – нола, йиғлаш; момазо ё мо-мазо – ўтган вақт, ўтган нарса; ҳавоич – ҳожат;

фурч(ж)а – очилган, икки нарсани орасидаги очиклик, вақт, фурсат;

“Маснавий” асаридаги архаик сўзларни таржима қилиш жараёнида Жамол Камол асарни юқорида таъкидланган талабларни ҳисобга олган ҳолда ўзбек тилига ўгирган. Буни қуйида аслият билан таржимани қиёсий ўрганиш жараёнида гувоҳи бўлдик:

Чун дар ў гоме занй беэҳтиёт,

Шири ту хун мешавад аз ихтилот (2, 120)

Байтда иккита тарихий сўз мавжуд. Булар “гом” ва “ихтилот” сўзлари. Биринчисини таржимон “қадам” тарзида ўгирганки, бизнинг фикримизча жуда тўғри. Ҳозирги кунда “гом” сўзи форс-тожик тилида ҳам ишлатилмайди. У архаик сўзга айланиб бўлган. Шу боис таржимон уни мазмунан “қадам” тарзида ўзбек тилига ўгирган:

Сен қадам қўйсанг агар беэҳтиёт,

Қон қилур оппоқ сутингни ихтилот (2, 138)

Мутаржим шоир иккинчи сўз “ихтилот”ни айнан ишлатган, унинг ўзбекча вариантыни қўлламаган. “Ихтилот” сўзи аралаштириш, аралашган, яқинлик маъноларини билдиради. Шу боис таржимон иккинчи архаик сўзни аслиятдагидек қолдиришга қарор қилган. Бошқа томондан бу сўз қофия бўлиб келганлиги боис ҳам ўзгартирилмаган бўлиши мумкин.

Қуйидаги аслиятдаги байтда учта сўз архаик хусусиятга эга дейиш мумкин. Булар “кумош”, “нақд” ва “мизон” сўзларидир. Дарҳақиқат, “кумош” сўзи (тарихда латиф мато, абрешим ва шоҳийматериал маъноларида ишлатилган) қадимий сўз ҳисобланади. “Нақд”нинг луғавий маъноси “пул”, “мизон”нинг эса “тарозу”, “синаб кўриш” каби маъноси бор. Асрлар давомида бусўзлар маъно жиҳатидан ўзгариб, кенгайиб, қўшимча маъно касб этган.

Чист дунё? Аз Худо ғофил будан

Бе кумошу нақдаву мизону зан (1, 40)

Шоир байт таржимасида барча юқорида тилга олганимиз сўзларни келтирган. “Кумош” ва “нақд” сўзи “молу пул” шаклида таржима қилинган. “Мизон” сўзининг таржимаси йўқ. Таржимада янги сўз – “роҳат” киритилган. Айтиш мумкинки аслиятдаги архаик сўзларни таржима қилишда мутаржим ўзгача йўл тутган. У байт мазмунини умумий ҳолда сақлашга ҳаракат қилган:

Не эмиш дунё, эсанг Ҳақ ғофили,

Не эмишдир роҳати, молу пули (1, 42)

Пастдаги байтда “истифтоҳ” сўзи архаик сўз бўлиб, ражаб ойининг ўн бешинчи кунини номи ҳисобланади. Бу кунда осмон ва Каъба эшиклари очилади ва дуолар қабул бўлади. Жалолитдин Румий “Маснавий”нинг ёзиб тугатилган кунига ишора қилмоқда:

Маснавий, ки сайқали арвоҳ буд,

Бозгашташ рўзи истифтоҳ буд. (2, 120)

Бизнингча, байтнинг таржимасида мутаржим эскирган сўзни икки сабаб ила аслиятдагидай сақлайди. Биринчидан, бу сўзнинг ҳозирги замонда синоним, маънодоши йўқлиги, иккинчидан аслиятдаги қофия ва радифни сақлаш иштиёқи шунга ундайди:

Маснавийким, сайқали арвоҳ эди,

Қайтгани ул рўзи истифтоҳ эди (2, 138)

Кейинги байтдаги “соид” сўзи кўп маъноли сўз бўлиб, биринчидан, қўл, қўл ўртаси, қўл бандидан қорингача маъноларида, иккинчидан, сайёд, овчи маъноларида, учинчидан, юқорилаб боровчи маъноларида ишлатилади.

Байтда шоир иккинчи маънони (сайёд, овчи) ишлатган. Биринчи мисрадаги “боз” сўзи эса “шикорчи куш” маъносида келмоқда.

Соиди халқ шаҳ маскани ин боз бод,

То абад бар ин дар боз бод (2, 120)

Байт таржимасида негадир “соид” сўзининг биринчи маъноси танланган ва аслиятдаги биринчи мисрадаги “боз” сўзига умуман эътибор қаратилмаган. Натижада байт мазмунига таъсир қилиб, фикр мантиқи бузилган:

Шоҳ қўли унга макон бўлсин абад,

Бул эшик элга равон бўлсин абад (2, 138).

Қуйида форс-тожик тилидаги байтда “ағёр” ва “дай” сўзлари эскирган сўзлардир. “Ағёр” сўзи “бегоналар, нотанишлар” маъносида келган. “Дай” сўзи эса “қиш, сармо” маъноларида келмоқда:

Хилват аз ағёр бояд, на зи ёр,

Пўстин баҳри дай омад, на баҳор (2, 120)

Мутаржим шоир байтнинг таржимасида “ағёр” сўзини аслиятдагидай қолдиришга жазм этган. Лекин “дай” сўзининг маънодоши ўзбек тилида бўлганлиги боис уни “қиш” шаклида таржима қилган. Натижада таржимадаги байт аслиятдаги байт юкини тўлақонли кўтара олган. Моҳир таржимон байт мазмунини нуқсонсиз ўз ўқувчисига етказган:

Хилват эт ағёрдин, ёрдин эмас,

Қишда кий пўстинни, иссиқ ёздамас (2, 138)

Баъзан таржимон вазн тақозоси ё бошқа сабабдан архаик сўздан воз кечиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бу ҳолда маъно озгина бўлса ҳам бузилса-да, умумий руҳ сақланиб қолади. Масалан, қуйидагибайтда “ҳазан” сўзи “ғам, ғусса, андуҳ” маъноларини билдиради. Бу ерда шоир “Жонинг, танангдаги ғам-ғуссаларни акс эттирувчи ойина бу сенинг ёрингдир” демоқчи:

Ёр ойинаст чонро дар ҳазан,

Дар руҳи ойина, эй чон, дам мазан (2, 120).

Таржимада эса негадир “ҳазан” архаик сўзи таржима қилинмай, ундан воз кечилган. Байтнинг мазмуни умумий руҳда ўзбекчага ўгирилган, лекин барибир шоир айтган гап чала таржима қилинганлиги билиниб турибди:

Ёрни сен жонингга чин ойина бил,

Пок тут ойинани, дам урмагил. (2, 138)

Қуйидаги байтда эса “лиҳоф” сўзи архаистик сўз ҳисобланади. Бу сўз ҳозирги замонда “кўрпа” маъносини билдиради:

Дар хазон чун дид ў ёри хилоф,

Даркашид ў рўву сар зери лиҳоф. (2, 121)

Аслиятдаги шеърий мисраларни таржимада ифодалаш, анча заҳматни талаб қилади. Мутаржим қўлга қаламни олар экан доим муаллиф мақсадини тўлақонли қайта яратишни истади. Аммо бу ҳолат ҳамма вақт ҳам айтгандек чиқмаслиги мумкин. Жамол Камол ҳам бутун қобилиятни ишга солиб шундай асарни ўзбек тилига безавол ўгиришга муваффақ бўлди. Хусусан, мазкур байтдаги архаик сўзни замонавий ва китобхонга аслиятдаги мазмунидек аниқ ифодалаб беришга ҳаракат қилиб, уддасидан чиққан. Моҳир таржимон байт мазмунини тўлалигича сақлаган ҳолда “лиҳоф” архаистик сўзини “кўрпа” тарзида таржима қилиб, ўқувчиларга етказган.

Таъкидлаш жоизки, мутаржим Жамол Камол “Маснавий” таркибидаги архаик сўзларни таржима қилиш жараёнида, асарда тасвирланган давр руҳини аслиятга мувофиқ акс эттиришда, қаҳрамонлар нутқининг табиийлигини таъминлаш мақсадида таржимада муайян даражада тилнинг архаик бойлигидан ҳам фойдаланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мавлоно Чалолуддин Муҳаммади Балхӣ. Маснавийи маънавӣ. Бар асоси матни Р. Николсон ва муқобил бо нусхаҳои дигар. - Техрон. Нашри замон. 2001. - Б. 727.
2. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи дафтар, Иккинчи дафтар, Учинчи дафтар. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. Тузатилган учинчи нашри. –Т.: “Adabiyotuchunlari”, 2014. – Б. 448.
3. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Тўртинчи дафтар, Бешинчи дафтар, Олтинчи дафтар. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. Тузатилган учинчи нашри. –Т.: “Adabiyotuchunlari”, 2014. – Б. 448.
4. Тўхсанов Қаҳрамон. “Маснавий”да халқ мақоллари ва уларнинг таржимадаги ифодаси. Монография. Т.: “Наврўз”. 2019. – Б. 124.
5. Тўхсанов Қаҳрамон. Ж. Румий “Маснавийи маънавий” асарининг ўзбекча таржимаси. GlobeEdit. 2019. – Б. 150.
6. Tukhsanov Kahramon. Djamel Kamal is an experienced translator. International Scientific Journal ISJ Theoretical, Applied Science Philadelphia, USA issue 04, volume 84 published April 30, 2020. Of publication with Impact Faktor. <http://s-o-i.org/1.1TAS-04-84-173>. <https://dx.doi.org/10.15863/TAS950-956> бет.
7. Tukhsanov Kahramon. Folk proverbs in “Masnavi” and their expression in uzbek translation. International Scientific Journal ISJ Theoretical, Applied Science Philadelphia, USA issue 04, volume 84 published April 30, 2020 Of publication with Impact Faktor. 301-306 бет.

ВАЛЕНТНОСТЬ КАУЗАТИВНЫХ ГЛАГОЛОВ ПСИХИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ

Файзуллаев М. Б.,

кандидат филологических наук, доцент,
Бухарский государственный университет.

Шарапова Н. А, Мухаммадова А. О., студентки, Бухарский государственный университет.

Аннотация. Данная статья посвящена типологическому анализу глаголов психического состояния по валентности, которые имеют огромный способ использования. Также рассмотрен вопрос перехода с одной формы на другую.

Ключевые слова: каузативный, каузальный, генетический, валентность, глаголы состояния, генетическая связь, переходные глаголы.

VALENCE OF CAUSATIVE MENTAL STATE VERBS

Fayzullaev M. B

Candidate of Philology sciences, Associate Professor.
Bukhara State University.Sharapova N. A. Mukhammadova A. O.
Gifted student, Bukhara State University.

Annotation. This article is devoted to the typological analysis of verbs of mental state by valence which has a huge way of using. The issue of switching from one form to another is also considered.

Keywords: causalis, genetic, valence, state verbs, genetic link, transitive verbs.